

ЖИЛВАГАР ДУНЁ РЎЁЛАРИДА ҲАҚИҚАТНИ АНГЛАШ ФАЛСАФАСИ

(Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Ичиндаги ичиндадур”
фалсафий-маърифий асарида ўзликни англаш ҳақидаги қарашлар)

Сурайё Мўминова
ЖДПИ магистранти

*Мен сенга нима ҳам берардим, дунё,
Сенинг бозорларинг бойвучча келин.*

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим

Тарихдан маълумки, тасаввуф бизнинг адабиётимиз, санъатимиз ва мусиқамиз тараққиётига алоҳида таъсир ўтказган таълимотдир. Шунингдек, тасаввуфнинг шахс тарбияси ва камолоти жабҳасидаги хизматлари ҳам кўп жиҳатдан ибратлидир. Тасаввуф аҳлининг ташқи дунё билан ички дунёни ажратмаслик, ахлоқ, қалб ва руҳ тарбияси орқали инсонда қудратли бирлик туйғусини яратиш тажрибалари ҳамма замонлар учун ибратли. Ислом дини заминида юзага келган, ислом маърифати ва ҳақиқатларига таянган бу таълимотнинг бош мақсади Инсон тақдири, унинг ахлоқи, эркинлиги, маънавий камолоти ҳисобланган.

Буюк мутасаввуф шоирлар Фаридиддин Аттор ва Ҳаким Санойиларга ўзини издош деб билган балхлик (Афғонистон) Мавлоно Жалолиддин Румий (1207-1273) жаҳоннинг улуғ донишмандларидан бири, беназир шоир, бетакрор мутафаккир ва валий инсон эди.

“Ичиндаги ичиндадур” (“Фиҳи мо фиҳий”) Жалолиддин Румийнинг илоҳиёт, тасаввуф, ҳаёт ва борлик ҳақидаги қайдлари, дўстлари ва суҳбатдошлари даврасида айтган фикрлари, мулоҳазалари тўпламидан ташкил топган бир асардир. Асарда Мавлоно Румий одамни тадқиқ этади, унинг табиати ва интилишларини кузатади, ботиний жилолар ва қалб силжишларини қидириб топади. Инсоннинг иймон гавҳари, буюклиги баробарида, нуқсонлари-нафси, ҳирси оқибатида келиб чиқадиган ёвузликларни таҳлил этиб, булардан қутулиш, покланиш йўллари, фазилатини баён этади.

Денгизга бориб, ундан фақатгина бир кўза сув олмоқ билан қаноатланиш- ачинарли,- дейди Мавлоно Румий,- денгиздан олиш мумкин бўлган дур- жавохирлар ва бошқа қанчадан қанча нарсалар бўла туриб, биргина сув олишнинг нима қиммати бор?

Олам бир кўпик. Авлиёлар билимлари-денгиз. Денгизнинг дури қаерда?

Жалолиддин Румий фикрларида рамзлар, тимсоллар тили сўзлайди. Кейинроқ у юкоридаги фикрларида дунёни, ҳаётни катта бир мавж урган денгизга киёслаб, унинг пўртаналарида кундалик рўзғор-у мол-дунё ташвишларида юрган инсонларни денгизга келиб бир кўза сув ола билган нодонлар деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, улар бу денгиздан дуру гавҳарлар олиб кетишлари мумкин эди, дейди. Яъни, бу дуру жавохир илмдир. Ҳақиқат илми, ўзликни англаш, топиш илмидир.

“Хотинлару ўғиллар, қоп-қоп олтинлару кумушлар, насл отлару сурув- сурув мол-қўйлар, экинлар ва ҳоказо нарсалар одамлар ҳирсини қитиқлайди. Буларнинг ҳаммаси дунё завқидир. Модомики дунё безатилган бўлса, унда муваққатдир.... Дунё олтин қопламали сохта пул кабидир (Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. Тошкент. “Янги аср авлоди” 2013.23-бет).

Бу каби фикрлар барча сўфий шайхлар, мутафаккир ва шоирларда гоҳ у, гоҳ бу кўринишда учрайди. Аммо, улардан чиқадиган хулосалар инсон ирфон ва ишқ ила ўз руҳоний дунёсини бойитмоғи, нафс зуннорларидан халос бўлмоғи, Ҳақиқатни, Ўзликни англамоғи лозим деган қарашларда кесишади.

Масалан, Ҳаққа ошиқликнинг тимсоли бўлиб гавдаланган Бобораҳим Машраб шундай дейди:

Билдимки, вафоси йўқ экан ушбу жаҳонни,
Мардона бўлиб, балки, этак силталаб ўттум.

Дунё ясаниб, жилва қилиб олдима келди,
“Борғил нариға!”-деб кетиға шатталаб ўттум.

Жамолиддин Румийнинг инсон, унинг ўзлиги ва бу ўзликнинг илиҳиёт билан боғлиқлиги ҳақидаги фикрлари ҳам аҳамиятли: “Худди шундай, замонамиз олимлари ҳам қилни қирқ ёрадилар, ўзларига боғлиқ бўлмаган нарсаларни жуда яхши биладилар, аммо ўта муҳим, ўзлари учун қолган барча нарсалардан янада яқин бўлганни, яъни ўзларини билмайдилар. Ҳамма нарсалар яқин бўлган борлиқ бу-уларнинг мени” (Жамолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. Тошкент. 2013. 31-бет).

Умуман олганда, одам на амал, на мол, на зар билан чинакам ҳурликка эриша олмайди. Чунки булар вужуднинг мақсадлари. Ақлан, руҳан озод яшаш эса дил касби ва шу касб ила кенг маънодаги дўстликни камол топдирмоқдир, деган фалсафа Мавлоно Румий қарашларининг асосидир.